



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/2



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ. MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 6 **БОТИРОВ ХУРШИД ИЛЁС ЎҒЛИ**
Парламент тадқиқот хизматлари
фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили
- 14 **НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ**
Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов
ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза
(шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI. TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 24 **ЮСУПОВ ЖАСУРБЕК МЭЛСОВИЧ**
Общая характеристика плагиата как
правонарушения и его виды
- 32 **ЭРКАБАЕВА ШАХНОЗА ИКРОМЖОНОВНА**
Коммандитное товарищество как институт
инвестирования: законодательство и практика
применения Федеративной Республики
Германия
- 42 **БАБАКУЛОВ ЗАФАР
КУРБОННАЗАРОВИЧ**
Товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс
талабларининг илмий ва амалий таҳлили

12.00.07 – SUD HOKIMIYATI. PROKUROR NAZORATI. HUQUQNI MUHOFAZA QILISH FAOLIYATINI TASHKIL ETISH. ADVOKATURA

- 56 **ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК МАТМУРОТОВИЧ**
Ҳарбий суд: кеча ва бугун
- 66 **ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ**
Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик
ижроси устидан прокурор назоратининг
ҳуқуқий асослари

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

75 **ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД
ОРИФ ЎҒЛИ**

Хорижий давлатлар қонунчилигида айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик хусусиятлари

91 **МАТЧАНОВ ФАХРИДДИН
КУРАМБОЙ ЎҒЛИ**

Айрим хорижий давлатларда маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти билан боғлиқ масалалар таҳлили

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA,
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQI VA
SUD EKSPERTIZASI

100 **НОРОВА НАСИБА АЗАМатовна**

Понятие и значение соглашения о признании вины в уголовном процессе: международный и национальный аспект

109 **РУЗМЕТОВ БОТИРЖОН
ХАЙИТБАЕВИЧ**

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва исботлашнинг долзарб масалалари

122 **ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**

Ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг процессуал табиати

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

132 **ВАЛИЖОНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**

Особенности развития международного сотрудничества органов прокуратуры Республики Узбекистан в рамках цифровой интеграции

12.00.12 – KORRUPSIYA MUAMMOLARI

- 141 **САФАРОВ ТЕМУР УКТАМОВИЧ**
Общие теоретические аспекты коррупции в
органах государственного управления

DAVLAT DASTURLARI

- 150 **ХАМЕДОВ ИСА АХЛИМАНОВИЧ**
О значении реформирования
законодательства об административных
процедурах в свете стратегических
приоритетов развития страны

UDC: 347.77 (042) (575.1)
ORCID: 0000-0002-3099-6799

ТОВАР БЕЛГИСИГА НИСБАТАН МАНФААТДОР ШАХС ТАЛАБЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ

Бабакулов Зафар Курбонназарович,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент давлат юридик университети докторанти (DSc);
e-mail: md_15@list.ru

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1104-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахснинг талаби билан товар белгисини фойдаланилмаганлиги сабабли муддатидан олдин бекор қилиш амалиёти миллий ва хорижий давлатлар судлари томонидан қўлланиб келинмоқда. Хорижий давлатлар қонунчилиги ва суд амалиёти тажрибаси ўрганилиши шуни кўрсатадики, товар белгисини муддатидан олдин манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиш бўйича миллий қонунчилик асослари ва суд амалиёти бугунги кунда замонавий товар белгилари муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги халқаро қонунчилик қоидалари доирасида такомиллаштириб борилаётган. Хусусан, Ўзбекистон товар белгилари қонунчилигида товар белгиларини муддатидан олдин бекор қилишни асослантирувчи аниқ қоидалар мавжуд эмас. Масалан, банкротлик ҳолатида товар белгисини муддатидан олдин манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиш тартиб-таомиллари ва уни амалга ошириш механизми акс эттирилмаган. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, мақолада товар белгисини муддатидан олдин бекор қилиш бўйича Россия Федерацияси, Германия, АҚШ, Буюк Британия ҳамда Ўзбекистон қонунчилиги ва суд амалиёти ўзаро қиёсланган ҳолда таҳлил этилди. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдаланилмагани муносабати билан муддатидан олдин тугатиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш ҳамда судларда бу бўйича низоли ишларни қўришни такомиллаштириш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: товар белгиси, манфаатдор шахс, банкротлик, товар белгиси устуворлиги, АҚШ, Россия Федерацияси, Германия, Буюк Британия, Париж конвенцияси, “Красный октябрь”, “Astera”, “Золотой пестушок”, “Пестушок – золотой гребешок”, “Золотой ключик”.

НАУЧНЫЙ И ПРАКТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТРЕБОВАНИЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ В ОТНОШЕНИИ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ ЛИЦ

Бабакулов Зафар Курбонназарович,
доктор философии по юридическим наукам (PhD),
докторант Ташкентского государственного
юридического университета (DSc)

Аннотация. В соответствии со статьей 1104 Гражданского кодекса Республики Узбекистан практика досрочного прекращения действия товарного знака в связи с неиспользованием товарного знака по заявлению заинтересованного лица применяется национальными и иностранными судами. Опыт зарубежных стран и изучение судебной практики показывает, что досрочное прекращение использования товарного знака по требованию заинтересованного лица на основании национального законодательства на сегодняшний день не отвечает современному регулирова-

нию в рамках международно-правового регулирования. В частности, в законодательстве Узбекистана нет определенных норм, регулирующих досрочное прекращение использования товарных знаков. Например, в национальном законодательстве не установлен механизм досрочного прекращения использования товарного знака на основании требования заинтересованного лица. В статье проанализированы положения о досрочном прекращении использования товарного знака в законодательстве и судебной практике Российской Федерации, Германии, Великобритании и США. В связи с неиспользованием сертификата на товарный знак были разработаны предложения и рекомендации для совершенствования рассмотрения споров о досрочном прекращении использования товарного знака в судах.

Ключевые слова: товарный знак, заинтересованные лица, банкротство, приоритет на товарный знак, США, Российская Федерация, Германия, Великобритания, Парижская конвенция, «Красный октябрь», «Astera», «Золотой петушок», «Петушок – золотой гребешок», «Золотой ключик».

SCIENTIFIC AND PRACTICAL ANALYSIS OF REQUIREMENTS OF PERSONS INTERESTED PARTIES IN THE RELATION TO TRADEMARKS

Babakulov Zafar Kurbonnazarovich,

Doctor of Philosophy on Legal Sciences (Ph.D.),
Tashkent State Law University

Abstract. By virtue of Article 1104 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, the practice of early termination of the trademark agreement in the Republic of Uzbekistan is exercised by the courts of national and foreign countries, as a consequence of non-use of a trademark. The analysis of experience of foreign countries and the judicial practice reveal that the practice of early termination of trademark agreements at the request of an interested person on the basis of national legislation is not in compliance with modern framework of international legal regulations. In particular, in the legislation of Uzbekistan, there are no certain norms governing the early termination of the use of trademarks. For example, the national law does not establish a mechanism for early termination of the use of a trademark on the basis of the claims of an interested party. The article analyzes the provisions on early termination of the use of a trademark in the legislation and judicial practice of the Russian Federation, Germany, Great Britain and the United States. In connection with the non-use of a certificate for a trademark, proposals and recommendations are developed to improve the consideration of disputes concerning the early termination of trademark agreement by courts.

Keywords: trademark, interested party, bankruptcy, trademark priority, USA, Russian Federation, Germany, Great Britain, Paris Convention, “Красный октябрь”, “Astera”, “Золотой петушок”, “Петушок – золотой гребешок”, “Золотой ключик”.

Интеллектуал ҳуқуқлар соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқ эгалари монополь устунлик мавқеини суиистеъмол қилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини назарда тутди. Товар белгисидан фойдаланилмагани натижасида ҳуқуқий муҳофаза қилишни муддатидан олдин бекор қилиш институти мазкур чора-тадбирлар тизимида қаради.

Товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни муддатидан олдин бекор қилиш чорасини қўллаш зарурияти мутлақ ҳуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан “кераксиз буюм” каби муносабатда бўлиши [1]нинг олдини олишдан иборат. Қонунчиликдаги мазкур қоида моддий манфаат кўриш истагини билдирган бошқа шахсларнинг интилиши ва қонуний манфаатларини рағбатлантиришга қаратилган.

Товар белгиси эгасининг ҳуқуқларини манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиш шахс ўзига тегишли товар белгисидан охириги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, суднинг қарорига асосан амалга оширилади (ЎЗР ФКнинг 1104-моддаси). Ушбу қоида қўллаш орқали товар белгиси эгаси ўзининг устун монополь мавқеидан ўзгага зарар етказиш мақсадида фойдаланишининг олди олинади ва бошқа шахсларнинг товар белгиси билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгилардан товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказган ҳолда фойдаланиш имкони яратилади. Манфаатдор шахснинг энг муҳим хусусияти унинг товар белгисига нисбатан ўз манфаатларини кўзлаб даъво қилиш ҳуқуқидир [2].

Шахснинг товар белгисига нисбатан ҳуқуқларини муддатидан олдин бекор қилиш амалиёти хорижий давлатлар товар белгилари қонунчилиги ва халқаро конвенция қоидаларида ҳам ўз аксини топган. Аксарият замонавий ҳуқуқий тартиботга кўра товар белгисидан фойдаланиш мажбурий хусусиятга эгадир [3].

1883 йил 20 мартдаги Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 9-моддасида манфаатдор шахс юридик ва жисмоний шахс экани, конвенциянинг 10-моддасида эса “манфаатдор шахс сифатида ҳар қандай тайёрловчи, сотувчи, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар” тушунилиши белгиланган. Товар белгисини манфаатдор шахс талабига кўра бекор қилиш у рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб камида беш йилдан кейин мумкин. Шунингдек, конвенциянинг 10-bis моддасига кўра, “агар бир турдаги ёки ўхшаш товарларда фойдаланиладиган ҳаммага маълум товар белгиси такрорланса, ўхшашликда фойдаланилса, манфаатдор шахс (ҳаммага маълум товар белгисининг

эгаси)нинг талабига кўра, ушбу товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинади”.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг (4-қисми) 1486-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, товар белгиси у рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб ҳар қандай уч йилда узлуксиз фойдаланилмаган бўлса, товар белгиси рўйхатга олинган товарларнинг барчаси ёки бир қисмига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза қилиш муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Манфаатдор шахс зиммасига эса мутлақ ҳуқуқ эгасининг ушбу товар белгисидан фойдаланмаётганини исботлаб бериш мажбурияти юкланади.

Мутлақ ҳуқуқ эгаси тақдим этган ва товар белгисидан ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра фойдаланмаганини (масалан, корхона қайта таъмирлаш жараёндалиги, қайта жиҳозлангани ёки бозорда ушбу товар белгиси остидаги маҳсулотга нисбатан талабнинг йўқлиги сабабли уни ишлаб чиқариш вақтинчалик тўхтатилгани ва ҳ.к.) исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин [4]. Товар белгиси у қайси товар турлари учун рўйхатдан ўтказилган бўлса, ўша товарда ва (ёки) унинг ўровида қўлланилиши товар белгисидан фойдаланилаётганининг исботи ҳисобланади [5].

Буюк Британиянинг 1994 йилги “Товар белгилари тўғрисида”ги қонунининг 46-ва 47-моддаларига асосан, ҳар қандай шахс рўйхатга олинган товар белгиси рад қилинишини сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига эга [6]. Товар белгисига нисбатан ҳуқуқ ундан узлуксиз беш йил давомида фойдаланмаганлик факти билан товар белгиси рўйхатдан ўтказилган давлат органи ёки суд қарори асосида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Давлат органида товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганини бекор қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқиладиган ҳар қандай босқичда исталган норози тараф низоли ишни суд-

да кўришни талаб қилишга ҳақли. Ишни кўриб чиқаётган ваколатли орган эса ушбу талабни рад қилишга ҳақли эмас.

Товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс тушунчаси билан боғлиқ қоидалар, шунингдек, Германия “Товар белгилари ва бошқа белгиларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасида, Канада “Товар белгилари тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида, Швейцария “Товар белгилари тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасида ҳам белгиланган. Бу давлатлар товар белгилари қонунчилигига кўра, шахс ўзига тегишли товар белгисидан беш йил давомида фойдаланмаса, манфаатдор шахс тегишли давлат органига унинг рўйхатдан ўтказилгани бекор қилинишини сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Германия “Товар белгилари ва бошқа белгиларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасида товар белгисидан охириги беш йил давомида фойдаланилмаган бўлса ва мазкур ҳолат қонунининг 26-моддасида белгиланган асос билан тасдиқланмаса, товар белгисига нисбатан ҳуқуқ муддатидан олдин бекор қилинади. Хусусан, қонунининг 26-моддасига кўра, шахс ўзига тегишли товар белгисидан Германия ҳудудида товар белгиси рўйхатга олинган товарлар учун жиддий равишда фойдаланмаган бўлса, товар белгиси қонуний асосга кўра фойдаланилмаган деб топилади ва унинг рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинади. Бошқа шахсларнинг товар белгисидан фойдаланиши унинг эгаси томонидан фойдаланилган деб ҳисобланади. Эътиборли жиҳати, Германия қонунчилигига кўра, товар белгисига нисбатан унинг эгаси ҳуқуқлари сақланиб қолиши учун амалда товар белгисидан фойдаланилган бўлиши лозим. Товар белгиси рўйхатга олинган товарларда фойдаланилмаган ва уни савдога чиқармаганлик ҳолати аниқланадиган бўлса, товар белгисига нисбатан ҳуқуқ бекор қилинади.

Германия қонунчилигида товар белгисидан фойдаланилганини тасдиқловчи асос сифатида унинг товар маҳсулотларида муомалага киритилгани билан белгиланган. Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси (4-қисми) 1484-моддаси 2-қисми, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 27-моддаси 2-қисми, Қозоғистон Республикасининг 1999 йил 26 июлдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 19-моддаси 4-қисми биринчи бандида белгиланган қоидага кўра, товар белгиси у рўйхатга олинган товарларни ишлаб чиқармасдан, рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намоиш этишда фойдаланилган ҳолатларда товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар муддатидан олдин бекор қилинмайди.

Товар белгиси муайян турдаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун рўйхатдан ўтказилади. Товар белгисининг эгаси ундан товар белгиси амал қиладиган давр мобайнида белгиланган мақсадларда фойдаланиши мумкин. Лекин ҳар доим ҳам мутлақ ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли товар белгисидан мақсадли фойдаланмайди. Натижада эса ундан бошқа шахслар фойдаланиши мумкин бўлган муносабатлар доираси чекланади. Тўғри, бундай чекланиш турли ташқи ва ички омиллардан келиб чиққан ҳолда объектив ва субъектив ҳолатларга боғлиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам суд манфаатдор шахсининг талабига кўра товар белгисини муддатидан олдин ҳуқуқий муҳофаза қилишни бекор қилиш билан боғлиқ низоли масалани кўриб чиқаётганда, икки жиҳатга, яъни биринчидан, шахсининг манфаатдорлиги қандай асосларга кўра белгиланаётгани; иккинчидан, шахс ўз товар белгисидан

нима сабабдан имтиёзли даврда (уч йил) фойдаланмаганига аниқлик киритиши керак. Суд мазкур масалаларни аниқлаштириш орқали ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланмаганлик факти ва товар белгиси бекор қилинишини талаб қилаётган шахснинг манфаатдорлик чегарасини белгилайди.

Таъкидланганидек, шахс ўзига тегишли товар белгисидан белгиланган муддатда фойдаланмаслигига фавқулодда ёки енгиб бўлмайдиган кучлар ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, 2020 йилда бутун дунёда Covid-19 пандемияси сабаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи аксарият шахслар ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатишга мажбур бўлди (айрим ишлаб чиқарувчилар ҳали-ҳануз ўз фаолиятини одатдагидек йўлга қўя олмаган). Бундай ҳолатларда манфаатдор шахс товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилишни муддатидан олдин бекор қилишни сўраб судга мурожаат қилган тақдирда суд ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланмоқчи бўлганини, лекин пандемия сабаб фойдаланиш имкони бўлмаганини узрли ҳолат сифатида қабул қилиб, даъвони рад этиши мумкин. Лекин бунда ҳуқуқ эгаси товар белгисидан ҳақиқатан амалда фойдаланиш чораларини кўрган (маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган техникаларни сотиб олган, ишлаб чиқариш жойини жиҳозлаган ва ҳ.к.) бўлиши лозим.

Ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан шунчаки фойдаланиш истаги борлигининг ўзи товар белгисини муддатидан олдин бекор қилмаслик учун асос бўлмайди. Товар белгисидан фойдаланмасликни қонуний асослантиришга, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ускуналарнинг жисмонан эскирганлиги ва уни янгилаш заруриятининг пайдо бўлганлиги, маҳсулотни савдога чиқариш ва сотишга нисбатан тўсиқлар қўйилганлиги ва ҳ.к. каби ҳолатларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Товар белгилари муносабатларини тартибга солувчи халқаро конвенция ва келишувларда товар белгисидан фойдаланмаслик ҳолатини узрли деб топишга оид қоидалар белгиланган. Хусусан, юқорида эслатилган Париж конвенциясининг 5-моддаси “С” бандида товар белгисидан фойдаланмасликни узрли деб топиш ёки топмаслик конвенцияга аъзо давлатлар ихтиёрига ҳавола қилинади. Яъни ушбу масала аъзо давлатларнинг миллий қонунчилиги даражасида ҳал этилади.

1994 йил 15 апрелдаги Интеллектуал мулкнинг савдо жиҳатлари тўғрисидаги келишув (ТРИПС) қоидаларида, Париж конвенциясидан фарқли ўлароқ, товар белгисидан фойдаланмасликни узрли деб топишга нисбатан аниқроқ муносабат билдирилган. Хусусан, келишувнинг 19-моддаси биринчи қисмига кўра, товар белгиси эгасининг эркидан ташқари содир бўладиган ва ундан фойдаланишга тўсиқ бўлувчи ҳолатда товар белгиси билан муҳофаза қилинадиган товарлар ёки хизматларга давлатнинг импортни чеклаш ёки бошқа талаблари таъсир этиши мумкин.

Дунё давлатлари товар белгилари тўғрисидаги қонунчилигида товар белгиси ҳуқуқий муҳофазасини манфаатдор шахснинг талаби билан муддатидан олдин бекор қилишни узрли деб топиш асосларига оид турлича қоидалар белгиланган. Масалан, шундай узрли ва/ёки узрли бўлмаган асосга ҳуқуқ эгасининг банкротлик ҳолатини мисол келтириш мумкин.

Банкротлик ҳолатида товар белгисини муддатидан олдин бекор қилишда АҚШ ва Россия Федерацияси қонунчилигида бир-бирига қарама-қарши қоидалар акс этган. Хусусан, Россия қонунчилиги ва суд амалиётида ҳуқуқ эгасининг банкротлигида товар белгисидан фойдаланмаслик узрли деб топилмайди. АҚШ қонунчилиги ва суд амалиётида эса ушбу ҳолат узрли деб ҳисобланади.

Россия Федерацияси Олий суди пленумининг 2019 йил 23 апрелдаги “Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси тўртинчи қисмини қўллаш тўғрисида”ги қарори 167-бандига мувофиқ, “шахснинг банкротлиги ҳолатида товар белгисидан фойдаланмаслик узрли сабаб сифатида эътироф этилмайди”.

Россия Фуқаролик кодексининг (4-қисми) 1486-моддаси учинчи қисмига кўра, товар белгиси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб уч йилдан кам бўлмаган муддатдан сўнг манфаатдор шахснинг талабига кўра муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Мазкур модда матнини турлича талқин қилиш шундан далолат берадики, тўловга қобилиятсиз (банкротлик) ҳолатида ҳам товар белгисидан фойдаланмасликка узрли асос деб қаралмайди [7].

АҚШ ҳуқуқни қўллаш амалиётида компания банкротлиги билан бир вақтда товар белгисидан фойдаланмаслик (abandonment) масаласи кўриб чиқилмайди [8]. Чунки товар белгисининг эгаси ўзининг кейинги фаолиятида товар белгисидан фойдаланиш манфаати борлигининг ўзи ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар ҳуқуқ эгаси товар белгисидан фойдаланмаётган бўлса ва кейинчалик ҳам ундан фойдаланиш манфаати борлигини намоиш этмаса, товар белгисидан воз кечилган деб ҳисобланади ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилинади [9].

АҚШ суди томонидан “Merry Hull & Co. v. Hi-Line Co” билан боғлиқ низоли иш бўйича қабул қилинган қарорда банкротлик тўғрисидаги иш кўрилиши муносабати билан товар белгисидан савдо муносабатларида вақтинча фойдаланмаслик товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилишни бекор қилиш учун асос бўлмаслиги белгиланди [10].

Россия юридик адабиётларида банкротлик ҳолатида шахснинг ўз товар бел-

гисидан фойдаланмаслиги натижасида товар белгисини манфаатдор шахснинг талаби билан уч йил давомида фойдаланмаганига кўра бекор қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланади [7, 39-b].

АҚШ товар белгилари билан боғлиқ адабиётларда ҳам худди рус адабиётларидаги каби муносабатни кўриш мумкин [11].

Бундан ташқари, АҚШ қонунчилиги ва суд амалиётида шаклланган қоидага мувофиқ, товар белгисидан фойдаланилмаганини узрли деб топиш сабабларига тегишли товарларни сотишга нисбатан қонуний тақиқ қўйилгани; компания ходимларининг иш ташлашлари; ҳуқуқ эгаси ўз компаниясини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаши; товар белгиси остидаги маҳсулотга нисбатан талабнинг мавжуд эмаслиги [12]; эпидемия тарқалиши; фаолият турини ўзгартириш [13]ни киритиш мумкин.

Америка доктринасида товар белгиси концепцияси гудвил (goodwill) тушунчаси билан ўзаро боғлиқ [14] ҳолда ишлатилади. Мазкур атама иқтисодий тушунча бўлиб, у бозорда корхонанинг устунлигини кўрсатувчи, муваффақиятли фаолият юритаётгани белгисидир [15].

Америка олимлари товар белгиси обрўсининг ошишида унга эгалик қилувчи мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳам таъсири борлигини ҳисобга олиб, умумий ҳолда “Goodwill” атамасини қўллайди. Ушбу тушунча шахснинг ўз истеъмолчилари, ходимлари, ҳамкорлари ва, умуман, ижтимоий муносабатлардаги ижобий ютуқлари, обрў-эътиборини намоён этади [16].

АҚШ суди Alliant Energy Corp. v. Alltel Corp билан боғлиқ ишни кўриши натижасида товар белгисининг “гудвил” билан боғлиқлиги сабаб у ҳали ҳам компаниянинг қимматли активи сифатида қолиши эътироф этилди. Ҳуқуқ эгаси бренднинг ўзгаргани тўғрисида жамоатчиликни ҳабардор қилиш борасида ҳар қанча ҳара-

кат қилмасин, гудвил ҳуқуқ эгаси учун товар белгиси қандай бўлса, шундайлигича сақланиб қолади [17].

АҚШ судларида товар белгиси билан боғлиқ кўрилатган ҳар бир низоли масала бир-биридан фарқ қилади. Шунга кўра, уларнинг ечими ҳам мавжуд қонунчиликда белгиланмаган бўлиши мумкин. Лекин АҚШнинг Лэнхем қонуни ва суд амалиётида белгиланган ўзаро мувофиқ қоидага кўра, товар белгисидан фойдаланилмаганини исботлаш мажбурияти ушбу асосни тақдим этаётган шахс зиммасига юклатилади (Advance Magazine Publishers, Inc. v. Leach, 2006 [18]). Исботлаш предметига товар белгисидан амалда фойдаланмаганлик факти ва ҳуқуқ эгасида яқин келажакда товар белгисидан фойдаланишни қайта йўлга қўйиш истаги йўқлиги киради (Emergency One Inc. v. Am. FireEagle, Ltd., 2000 [19], Eh Yacht, LLC Egg Harbor, LLC, 2000 [20]).

Ўзбекистон товар белгилари қонунчилиги ва суд амалиётида, АҚШ ва Россия Федерацияси суд амалиётидан фарқли ўлароқ, банкротлик ҳолатида товар белгисига нисбатан манфаатдор шахснинг талабларини ҳисобга олиш ёки олмаслик масаласини тартибга солишга оид тушунтиришлар берилмаган. Демакки, юқорида Россия Фуқаролик кодексининг 1486-моддаси учинчи қисмини шарҳлаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 1104-моддаси биринчи қисмида белгиланган қоидадан “банкротлик ҳолатида товар белгисидан фойдаланмаслик узрли ҳолат сифатида баҳоланмайди, деб тушунса бўлади”, деб баҳолаш мумкин.

Мутлақ ҳуқуқ эгаси товар белгисидан ўзига боғлиқ сабабларга кўра фойдаланмаслиги мақсадсиз ва мақсадли манфаатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мақсадсиз манфаат деганда, шахс ўз товар белгисидан фойдаланишни мақсад қилган бўлиши, аммо кейинчалик ҳуқуқ эгасида ундан

фойдаланиш истаги йўқолгани эҳтимоли тушунилади. Манфаатдор шахс(лар) талаби билан ҳуқуқ эгаси томонидан фойдаланилмаётган товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганини бекор қилиш унинг эгаси учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Чунки товар белгиси унинг учун “кераксиз буюм”га ўхшаб қолган.

Мақсадли манфаатда мутлақ ҳуқуқ эгаси ўз товар белгисидан бошқа шахсларнинг бир турдаги маҳсулотларида устувор товар белгиси билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгидан фойдаланишга сунъий тўсиқ қўяди. Аксарият ҳолатларда ушбу чеклаш хорижий давлатда рўйхатга олинган товар белгиларига тегишлидир. Натижада товар белгисидан Ўзбекистонда фойдаланиш ҳуқуқи чекланган хорижий компания (одатда, аксарият хорижий компаниялар ўзларига тегишли товар белгилари ўзлаштириб олинганини билмайди) ўз товарларини Ўзбекистонга экспорт қилмоқчи бўлганда, экспорт маҳсулотларидаги товар белгиси билан Ўзбекистонда рўйхатга олинган товар белгиси (ушбу ҳолатни “қароқчилик билан эгаллаб олинган товар белгиси” деб таърифлаш мумкин) ўртасида зиддият юзага келади.

Бир турдаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун миллий устуворликка эга бўлган товар белгиси эгаси хорижий давлатда худди шу товар учун рўйхатга олинган бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш товар белгиси остидаги маҳсулотларнинг Ўзбекистонга кириб келишини чеклашни божхона органларидан талаб қилиши мумкин. Натижада миллий устуворликка эга товар белгиси эгаси ундан нафақат фойдаланмаслиги, балки ундан чет элда фойдаланаётган ва ўз маҳсулотини Ўзбекистонга экспорт қилмоқчи бўлган шахслар фаолиятига ҳам тўсқинлик қилади. Ёки бу ҳолат миллий доирада рўйхатга олинган товар белгиси устуворлиги сабаб бошқа шахсларнинг бир турда-

ги маҳсулотларида устувор товар белгиси билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгини рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланишни чеклашга олиб келади. Ваҳоланки, ушбу миллий устуворликка эга товар белгиси амалда тегишли маҳсулотни ишлаб чиқаришда унинг эгаси томонидан фойдаланилмайди.

Манфаатдор шахс талаби билан товар белгисига нисбатан ҳуқуқнинг муддатидан олдин бекор қилиниши қуйидаги ҳолатларда юз бериши мумкин:

1. Аввалроқ устуворликка эга бўлган товар белгиси билан манфаатдор шахс рўйхатдан ўтказмоқчи (ва амалда фойдаланмоқчи) бўлган белгининг бир хиллиги ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги ҳолатида;

2. Аввалроқ устуворликка эга бўлган товар белгиси билан манфаатдор шахс фирма номининг айнан бир хиллиги ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги ҳолатида;

3. Аввалроқ устуворликка эга бўлган товар белгиси билан манфаатдор шахс домен номининг айнан бир хиллиги ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги ҳолатида;

4. Ўзбекистонда тан олинган ҳаммага маълум товар белгиси билан бир хиллиги ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини бекор қилишни талаб қилиш ҳолатида;

5. Аввалроқ рўйхатга олинган товар белгиси билан манфаатдор шахснинг бошқа манфаатлари (савдо намуналари, муаллифлик ҳуқуқи объектлари ва ҳ.к.) ўзаро тўқнаш келиши ҳолатида.

Судлар шахснинг товар белгисини муддатидан олдин ҳуқуқий муҳофаза қилишни бекор қилиш масаласини кўриб чиқаётганда, юқоридаги асослардан келиб чиқиши мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолатларда, аввало, шахс товар белгисига нисбатан ўз манфаатдорлигини исботлаши лозим. Бу ўринда ҳар қандай шахс ҳам товар белги-

сига нисбатан манфаатдор сифатида қаралмаслиги керак.

Юқорида товар белгисига нисбатан шахснинг манфаатдорлигини кўрсатувчи биринчи ҳолат (аввалроқ устуворликка эга бўлган товар белгиси билан манфаатдор шахс рўйхатдан ўтказмоқчи (ва амалда фойдаланмоқчи) бўлган белгининг бир хиллиги ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги) сифатида манфаатдор шахс товар белгисидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш истагининг борлиги, лекин аввалроқ устуворликка эга бўлган товар белгиси билан бир хил ёки унга адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлгани сабабли ундан фойдаланиш имкони чекланганини тушуниш мумкин. Ушбу ҳолатда шахснинг манфаатдорлигини фақатгина ундан фойдаланиш истаги борлиги билан баҳолашнинг ўзи етарли эмас. Истак, хоҳиш ҳар қандай инсонда бўлиши мумкин. Лекин уни амалга ошириш имконининг (ҳақиқатан ҳам, манфаатдор шахс товар ишлаб чиқариш бўйича тегишли техник ва молиявий имконияга эгалиги ва уни амалда кўрсатгани) мавжудлиги бирламчи асос сифатида қабул қилиниши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, аввалроқ устунликка эга бўлган товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида ариза берган, ўз фаолиятида баҳсли белгидан фойдаланишни чинакам ният қилган ва фойдаланиш учун шу каби зарурий тайёргарлик ишларини олиб борган, ўхшаш ёки бир хил товарни ишлаб чиқариш учун бир хил ёки ўхшаш белгини рўйхатдан ўтказиш учун ариза берган шахс манфаатдор шахс сифатида эътироф этилади. Ушбу таърифда англашилган манфаатдор шахсларни икки тоифага бўлиб фарқлаш мумкин.

Биринчи тоифадаги манфаатдор шахс товар белгисидан амалда реал фойдаланиш имконига эга, лекин бу борада аниқ амалий ҳаракатларни амалга оширмаган бўлади.

Иккинчи тоифадаги манфаатдор шахс ваколатли органга белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берган, лекин ушбу талабномада кўрсатилган белги аввалроқ устуворликка эга бўлган бир хил ёки ўхшаш товарлар учун рўйхатга олинган товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш бўлгани сабабли рўйхатдан ўтказиш рад этилгани ҳолатида юзага келади. Товар белгисини миллий доирада ҳуқуқий муҳофаза қилишни рад этиш халқаро товар белгиларига ҳам тегишлидир.

Тошкент шаҳри иқтисодий судида даъвогар “Московская кондитерская фабрика КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖнинг (Россия Федерациясида рўйхатга олинган) жавобгар “ASTERA” МЧЖ (маҳаллий юридик шахс) га тегишли “Золотой петушок” товар белгисини муддатидан олдин бекор қилишни сўраб мурожаат этган даъвоси кўриб чиқилди [21].

Мазкур иш ҳолатларидан маълум бўлишича, 2011 йил 17 августда “Золотой петушок” товар белгиси Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги томонидан “ASTERA” МЧЖ номига Белгилар рўйхатга олинадиган халқаро товарлар ва хизматлар таснифининг 30-синфида кўрсатилган товарлар: қаҳва, чой, какао ва қаҳва ўрнини босувчилар; гуруч; тапиока (маниока) ва саго; ун ва дон маҳсулотлари; нон-булка маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари; музқаймоқ; шакар, асал, шиннидан тайёрланган қиём; хамиртурушлар, нонвойлик кукунлари; туз; хантал; сирка, зирavorлар; хушбўй дориворлар рўйхатга олинади (MGU 21565-гувоҳнома).

Айни ҳолатга кўра, даъвогар “Московская кондитерская фабрика КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖ ўз даъвосида ўзига тегишли “Петушок золотой гребешок” товар белгиси жавобгарга тегишли “Золотой петушок” товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлгани сабабли Ин-

теллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказишга тўсиқ бўлаётганини, қолаверса, жавобгар “ASTERA” МЧЖ ўзига тегишли “Золотой петушок” товар белгисидан 2013 йилдан буён тегишли мақсадларда фойдаланмаётганини кўрсатади.

Даъвогар шунга асосланиб, “ASTERA” МЧЖга тегишли “Золотой петушок” товар белгисини таснифнинг 30-синфида кўрсатилган товарлар учун муддатидан олдин бекор қилишни сўрайди.

Иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, суд даъвогар “Московская кондитерская фабрика КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖнинг жавобгар “ASTERA” МЧЖга тегишли “Золотой петушок” товар белгисини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиради.

Суд мавжуд иш ҳолатларини ўрганган ҳолда даъвогарнинг “манфаатдор шахс” сифатида ҳуқуқий мақомини таҳлил қилар экан, даъвогар ҳам, жавобгар ҳам бир хил товар бозори сегментида фаолият юритиши ва ҳар иккаласи ҳам бир турдаги товарлар учун ўхшаш товар белгиларига эгалик қилиши, лекин жавобгар ўзига тегишли товар белгисидан мақсадли фойдаланмаётганлиги учун ўзгаларнинг моддий манфаат кўриш истагини амалга оширишга тўсиқ бўлаётганини эътиборга олиб, “ASTERA” МЧЖ “Золотой петушок” товар белгисидан Фуқаролик кодексининг 1104-моддасида кўрсатилган қоидага кўра фойдаланмаётганини асос қилиб, даъвогарни “манфаатдор шахс” деб баҳолайди.

Мазкур низоли ҳолатда жавобгар қайсидир маънода ўзганинг моддий манфаат кўришга қаратилган ҳаракатларини чеклаш ёки кейинчалик ушбу товар белгисини даъвогарнинг ўзига ёки ўзга шахсга тасарруф этиш учун сотиш мақсадини кўзлагани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Набатдаги низоли иш ҳам жавобгар “ASTERA” МЧЖнинг даъвогар “КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖга тегишли товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида ўх-

шаш бўлган товар белгисига эгалик қилиши билан боғлиқдир.

2019 йил 19 апрелда Тошкент шаҳри иқтисодий судида даъвогар “КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖнинг жавобгар “ASTERA” МЧЖга нисбатан “Золотой ключ” товар белгисини муддатидан олдин бекор қилиш бўйича берган аризаси кўриб чиқилди [22]. Иш мазмунига кўра, “ASTERA” МЧЖ 2011 йил 17 августдан “Золотой ключ” сўзли товар белгисига Белгилар рўйхатга олинадиган халқаро товарлар ва хизматлар таснифининг 30-синфида кўрсатилган товарларни ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун давлат рўйхатидан ўтказган (MGU21563) ҳолда эгалик қилиб келган.

Даъвогар “КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖ “Золотой ключик” товар белгисига таснифнинг 30-синфидаги товарлар учун халқаро муҳофазага эга.

Даъво бўйича иш ҳолатлари аниқлаштирилганда, жавобгар “ASTERA” МЧЖ ўзига тегишли “Золотой ключ” товар белгисидан Ўзбекистон ҳудудида беш йил давомида, яъни 2013 йил 11 октябрдан узлуксиз фойдаланмай келаётгани маълум бўлган. Шунга асосланиб, суд даъвогар “КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖнинг жавобгар “ASTERA” МЧЖнинг “Золотой ключ” товар белгисига бўлган ҳуқуқини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантирган.

Ушбу даъво иши мазмунини ўрганган ҳолда билдирилишича, жавобгар “ASTERA” МЧЖ даъвогар “КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖга тегишли товар белгисини унинг халқаро бозордаги мавқеидан фойдаланиб ўз номига расмийлаштирган. Бу эса “КРАСНЫЙ ОКТЯБРЬ” ОАЖнинг Ўзбекистонда “Золотой ключ” товар белгисидан фойдаланиб товар ишлаб чиқаришга сунъий тўсиқ қўйган.

Мазкур ҳолатлардан кўринадики, жавобгар ўзига тегишли товар белгисидан фойдаланмаган, яъни амалда товар ишлаб

чиқармаган ва уни сотувга чиқармаган. Ваҳоланки, мутлақ ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли товар белгисидан тегишли мақсадда фойдаланиши лозим эди.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка кўра, мутлақ ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли товар белгисига нисбатан ҳуқуқларини сақлаб қолиш учун Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 27-моддаси талабларида белгиланган шартларни амалга ошириши керак эди. Акс ҳолда, мутлақ ҳуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан ҳуқуқлари муддатидан олдин манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиниши белгиланган.

Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқларини бекор қилиш бўйича миллий суд амалиёти шаклланган бўлишига қарамай, амалдаги қонунчилик ва суд тушунтиришларида товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс тушунчасини қўллаш бўйича аниқ қоидалар ёки тушунтиришлар белгиланмаган.

Юқорида таъкидланганидек, Россия Федерацияси суд амалиётида товар белгисига нисбатан манфаатдор шахснинг талабларини тан олиш ёки олмаслик билан боғлиқ амалиёт шаклланган ва бу бўйича суднинг алоҳида кўрсатмалари ҳам ишлаб чиқилган.

Унга кўра, товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс талаблари бўйича низо судда кўриб чиқилиш жараёнида ҳуқуқ эгасининг ўзгариши манфаатдор шахс томонидан янги таклиф юбориш ва баҳолалиши лозим бўлган товар белгисидан фойдаланиш даврини ўзгартириш зарурлигига олиб келмайди.

Товар белгисига нисбатан ҳар қандай ҳуқуқ эгалари томонидан муайян товар белгисидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масаласида манфаатдор шахснинг таклифи юборилган санадан олдинги уч

йиллик давр ҳисобга олинади ва ундан кейин судга даъво билан мурожаат қилинади.

Шунингдек, Россия Федерацияси Олий суди пленумининг 2019 йил 23 апрелдаги қарори 165-бандига мувофиқ, товар белгисидан фойдаланилмагани натижасида ҳуқуқий муҳофаза қилишни бекор қилишда тadbirkorlik фаолиятини амалга оширувчи шахсни манфаатдор деб эътироф этишда ишнинг барча ҳолатлари, хусусан, даъвогарнинг шахсийлаштириш воситаси сифатида белгини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ёки қилмаслигини таъминлаш мақсадида бир турдаги маҳсулотлар учун бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган низоли товар белгисидан фойдаланишга қаратилган қизиқишнинг йўналтирилгани эътиборга олинади.

Товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазасини сақлаб қолиш учун ҳуқуқ эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтган ҳар бир товар маҳсулотига нисбатан товар белгисидан ҳақиқий (хаёлий бўлмаган) фойдаланганини исботлаши керак, ўз навбатида, даъвогар товар белгиси учун берилган гувоҳномада кўрсатилган товар ва хизматлар учун фойдаланилмагани сабабли муддатидан олдин ҳуқуқий муҳофаза қилишни бекор қилишдан манфаатдорлигини исботлаши лозим.

Низоли товар белгисидан фойдаланиш ҳолатларини белгилашда, агар ушбу белгининг кенг оммалашгани исботланмаган бўлса, товар ва хизматларнинг бир хиллиги ҳисобга олинмайди. Агар товар белгиси аниқ товарларни шахсийлаштириш учун фойдаланилаётган ва ушбу товарлар учун товар белгиси кенг оммалашган бўлса, бундай ҳолатларда товар белгисидан фойдаланилган ва кўпчиликка маълум бўлган ўхшаш товарларга нисбатан шахсийлаштириш учун ҳуқуқий муҳофаза қилиш ўз кучида қолдирилади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, иқтисодий муносабатларда интеллек-

туал мулкдан фойдаланиш қамрови ортиб борган сари уни тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳам такомиллаштирилиб борилиши лозим. Афсуски, ушбу масала билан боғлиқ на миллий қонунчилик ва на суд амалиётида жиддий ўзгаришлар бўлаётгани йўқ.

Мазкур тадқиқот натижасида товар белгисини муддатидан олдин манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиш бўйича юзага келаётган низоли ҳолатларнинг асосий сабаблари қуйидагилар:

биринчидан, хорижда машҳур бўлган товар белгиларини миллий доирада бошқа шахслар томонидан рўйхатдан ўтказган ҳолда эгалик қилиш билан боғлиқ келиб чиқадиган низолар;

иккинчидан, бошқа шахс ўзига рақобатчининг фаолиятига тўсиқ қўйиш, унинг даромад топишга нисбатан манфаатларини чеклаш мақсадида бир хил ёки ўхшаш бўлган товар белгиларини рўйхатдан ўтказиши натижасида келиб чиқадиган низолар.

Хорижий давлатлар қонунчилиги ва суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда, товар белгисига нисбатан шахснинг манфаатдорлиги масаласида Германия қонунчилиги тажрибасини миллий қонунчиликда қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки товар белгисидан фойдаланмасдан уни шунчаки реклама қилиш, кўргазмалар ва ярмаркаларда намоиш этиш ёки домен номида ишлатиш товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисоблашга оид миллий қонунчиликда белгиланган қоида, назаримизда, тўғри эмас. Чунки ҳар қандай ҳуқуқ эгаси ўз товар белгисини манфаатдор шахснинг талабларидан ҳимоя қилиш учун товар белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқармасдан реклама ва бошқа оммалаштириш воситаларидан фойдаланиши мумкин. Натижада эса ушбу ҳолатлар манфаатдор шахснинг товар белгисини бекор қилишга нисбатан талабларини натижасиз қилиб қўяди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси-

нинг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 27-моддаси иккинчи қисми биринчи бандига қўйидагича ўзгартириш ва қўшимча киритиш таклиф этилади:

Товар белгисининг:

рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларда намойиш этилиши билан бирга ушбу товар белгиси остида у рўйхатга олинган товарларда ишлатилиши ва савдога чиқарилган ҳолда Ўзбекистонда фойдаланилиши;

27-модданинг иккинчи қисми учинчи бандига:

домен номида фойдаланилган товар белгиси остида товарлар ишлаб чиқарилган ва савдога киритган ҳолда товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилади.

Товар белгисини манфаатдор шахснинг талаби билан ҳуқуқий муҳофаза қилишни муддатидан олдин бекор қилиш масаласи судлар томонидан кўриб чиқиладиганда, шахснинг манфаатдорлиги нафақат низоли товар белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган қизиқиши, балки ушбу товар белгиси остида реал товар ишлаб чиқариш имконининг борлиги ва бу бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширганига ҳам эътибор қаратиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий судлар томонидан манфаатдор шахснинг талаби билан шахснинг товар белгисига бўлган ҳуқуқини муддатидан олдин бекор қилиш чораларини амалга ошириши бўйича қонунчиликда манфаатдор шахснинг судга қадар бўлган хатти-ҳаракатларининг аниқ процессуал тартиби белгилаб қўйилиши лозим. Шунга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасини қўйидагича бешинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

Манфаатдор шахс товар белгиси

рўйхатга олинган товарларнинг бир қисми ёки барчаси учун товар белгисидан ҳуқуқ эгаси фойдаланмаётганини тахмин қилган ҳолда ҳуқуқдан воз кечиш тўғрисида шу ҳуқуқ эгаси ва Интеллектуал мулк агентлигига мурожаат қилиши ёки товар белгиси рўйхатга олинган товарларнинг бир қисми ёки барчасига нисбатан товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқларни манфаатдор шахсга тасарруф этиш тўғрисида шартнома тузиш бўйича таклиф юбориши лозим. Таклиф манфаатдор шахс томонидан ҳуқуқ эгаси ва товар белгиси рўйхатдан ўтказилган Интеллектуал мулк агентлиги юридик манзилига юборилади.

Манфаатдор шахс томонидан ҳуқуқ эгасига бу ҳақдаги таклиф товар белгиси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч йилдан кам бўлмаган муддат ўтганидан сўнг юборилиши лозим.

Манфаатдор шахс томонидан таклиф юборилган кундан икки ой ичида ҳуқуқ эгаси товар белгисига нисбатан ҳуқуқдан воз кечиш тўғрисидаги ариза бермаган бўлса ва манфаатдор шахсга товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни ўтказиш тўғрисида шартнома тузмаса, манфаатдор шахс икки ойлик муддат тугагандан сўнг бир ойлик муддатда судга товар белгисидан фойдаланилмагани натижасида ҳуқуқий муҳофаза қилишни муддатидан олдин бекор қилишни сўраб мурожаат этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 25-моддаси бешинчи қисмини тўққизинчи қисм деб ҳисоблаш.

Юқорида Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига таклиф этилган қоидалар ҳуқуқ эгаси ва манфаатдор шахснинг товар белгиси тақдирини ҳал қилиш билан боғлиқ ўза-

ро келишувини амалга ошириш имкони яратилади. Мазкур тартиб-тамойилни амалга киритиш орқали судларда товар белгисини унинг эгаси томонидан фой-

даланилмагани натижасида манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиш билан боғлиқ низоларнинг кўрилиши кама-
яди.

REFERENCES

1. Kudakov A.D. Neispolzovaniye tovarnogo znaka kak osnovaniye dlya prekrasheniya yego oxrani: Diss. na soiskaniye uchenoy stepeni kand. yurid. nauk. [Non-use of the trademark as a basis for termination of its protection]. Moscow, 2006.
2. Mixaylov S.V. Kategoriya interesa v rossiyskom grajdanskom prave. [Category of interest in Russian civil law] Moscow, 2002, pp. 177-191.
3. Tabolo M.V. K voprosu o teoreticheskom ponimanii dosrochnogo prekrasheniya pravovoy oxrani tovarnogo znaka vsledstviye yego neispolzovaniya [On the question of theoretical understanding of the early termination of the legal protection of the commercial sign due to its non-use]. Journal of the Intellectual Property Rights Court. Iyun, 2016, p. 39.
4. Oqyulov O. Intellektual mulk huquqiy maqomining nazariy va amaliy muammolari [Theoretical and practical problems of intellectual property legal status]. Mas'ul muharrir: X. Rahmonqulov. Tashkent, TDYUI, 2004, p. 158.
5. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga sharh. Ilmiy sharhlar. T. 3. [Commentary to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan: Scientific reviews. T. 3.]. Tashkent, Baktria press, 2013, p. 524.
6. Hart T., Fazzani L., Clarck S. Intellectual Property Law. Hampshire: Palgrave Macmillan Law Masrers, 2009, p. 102.
7. Ximichev V.A. Bankrotstva kak obstoyatelstvo opravdivayusheye neispolzovaniye tovarnogo znaka [Bankruptcy as a circumstance justifying non-use of the trademark]. Journal of the Intellectual Property Rights Court. Iyun, 2014, p. 39.
8. David M.J. Licenses, Trademarks, and Bankruptcy, Oh My: Trademark Licensing and the Perils of Licenser Bankruptcy. 25 J. Marshall L. Rev. 143 (1991), pp. 166-167; Merry Hull & Company v. Hi-Line Co., 243 F. Supp. 45 (S.D.N.Y. 1965).
9. Reconstruction Finance Corp. v. J. G. Menihan Corp., 312 U.S. 81 (1941).
10. 243 F. Supp 45, 146 USPQ 274.
11. Gayeva Ya.A. Pravovoye regulirovaniye neispolzovaniya tovarnix znakov [Legal regulation of non-use of trademarks]. Journal of the Intellectual Property Rights Court, 2013, Oktabr. p. 37.
12. Hefter L.R. U.S. Courts in Quandry Over Abandoned Trademarks: Is an Ex-Trademark Protected if It Remains Known and Loved by Consumers. Internet-sayt kompanii «Finnegan». Available at: <http://www.finnegan.com> (accessed – 10.09.2014 g.); Gayeva Ya.A. Pravovoye regulirovaniye neispolzovaniya tovarnix znakov v SSHA. Journal of the Intellectual Property Rights Court. Available at: <http://www.ipcmagazine.ru>
13. Karen A.A., Bret J.D. Excusable non-use of a trade mark. Managing Intellectual property. Nov. 2007, Issue 174, p. 5.
14. Mandjiyev S.Yu. Bankrotstva kak uvajitelnaya prichina dlya neispolzovaniya tovarnogo znaka [Bankruptcy as a valid reason for non-use of the trademark]. Journal of the Intellectual Property Rights Court. 2019, march, p. 43.

15. Volkov L.V. Gudvill i delovaya reputatsiya promishlennix predpriyatiye [Goodwill and business reputation of industrial enterprise]. Nauchniy sbornik oborono – promishlennogo kompleksa Rossii. FGUP «SNII «Sentr», p. 33.

16. Koxno P. Innovatsionnoye predpriyatiye i otsenka Brenda [Innovative enterprise and brand assessment]. Intellektualnaya sobstvennost. Promishlennaya sobstvennost, 2016, no 7, p. 50.

17. Alliant Energy Corp. v. Alltel Corp., 344 F. Supp. 2d 1176, 1187 (S.D. Iowa 2004).

18. 170 F.3d 1092, 1095.

19. 670 F.2d 1024, 1028.

20. 466 F. Supp 2d 628.

21. Toshkent shahri iqtisodiy sudining 2018-yil 23-oktabrdagi №10-816/160-qarori. [Desition of the Tashkent Economic Court of the City No. 100-816 / 160 of October 23, 2018.]

22. Toshkent shahri iqtisodiy sudining 2019-yil 19-apreldagi №4-10-818/307- qarori. [Desition of the Tashkent Economic Court of the City No 4-10-818/307 of April 19. 2019.]